

ПАРТИЯМИЗ ҚИШЛОҚ ХҲҲЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ЧАҚИРМОҚДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 49 (1827)

10

МАРТ

ЖУМА

1961 йил

БАҲОСИ
2 ТИЙИН

Бугун Тошкентда област
қишлоқ хўжалик илғорларининг
кенгаши очилади.

Кенгаш қатнашчиларига ала-
гали салом!

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА ТҮРТИНЧИ ЙҮЛДОШ-КЕМА УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ қилиш соҳасидаги
иш планига мувофиқ 1961 йил 9 мартда Совет
Иттифоқида тўртинчи йўлдош-кема Ер атро-
фида орбитага чиқарилди. Йўлдош кеманинг
вазни 4700 килограмм бўлиб, учирувчи раке-
та сўнгги босқичининг вазни бу ҳисобга кир-
майди.

Йўлдош кема мўлжалланганига яқин бўл-
ган орбита бўйлаб, перигей Ер сатҳидан 183,5
километр апогейи 248,8 километр баландлик-
да ва орбитанинг оғиши экватор текислигига
нисбатан 64 градус 56 минут бўлгани ҳолда
учиб юрди.

Йўлдош кемани учиршидан кузатишдан
асосий мақсад — унинг конструкциясини ва
унда ўрнатилган ҳамда одамнинг учини учун
зарур шарт-шароитини таъминлайдиган систе-
маларни янада ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тажриба қилиб кўриладиган жониворлар —
«Чернушка» номи ит ва бошқа биологик об-
ъектлар қўйилган кабина шунингдек телемет-
рик ва телевизион системалар, траекторияни

ўлчовчи радио система ва радио алоқаси ап-
паратлари йўлдош кемага ўрнатилган эди.

Бортдаги аппаратлар учини вақтида нормал
ишлаб турди. Белгиланган тадқиқот програм-
маси бажарилганидан кейин, йўлдош кема
ўша куннинг ўзидаёқ берилган команда бўйи-
ча Совет Иттифоқининг мўлжалланган рай-
онига қўнди.

Ерга қўнган кемани дастлабки текшириб
чиқиш натижаси тажриба қилиб кўрилган жо-
ниворлар ўзларини нормал ҳис этганликлари-
ни кўрсатди.

Тўртинчи совет йўлдош кемасининг учир-
лиши ва унинг орбитадан муваффақиятли су-
ратда ерга туширилиши натижасида кема
конструкцияси ва ундаги системаларининг иши
тўғрисида ҳам, учини шароитининг жонли ор-
ганизмларга таъсир кўрсатиш характери тўғ-
рисида ҳам қимматли маълумотлар олинди.

Ҳозир олинган маълумотлар ўрганилмоқ-
да ва ишлаб чиқилмоқда. Учирилган биологик
объектлар кузатиб турилибди.



СУРАТЛАРДА: УТГАН ИЛИ ДАВЛАТГА ПАХТА ТОПШИРИШ ИЛЛИК ПЛАНИНИ ОШИРИБ БАЖАРГАН КОЛХОЗЛАР-
НИНГ РАЙСЛАРИДАН БИР ГРУППАСИ. (Биринчи қаторда, чапдан) Янгйўл районидagi Хрушчев номи колхозининг раис
Хамроқул Турсунқулов, шу райондаги Сталин номи колхозининг раис Абдулла Ортиқов, Янгйер шаҳридаги «Коммунизм»
колхозининг раис Турсунбой Латипов, Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозининг раис Иван Антонович Цой, Оржоникиде
районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раис Абдулхамид Матқобулов, (иккинчи қаторда, чапдан) Юқори Чирчиқ районидagi «По-
литотдел» колхозининг раис Хван Ман Гим, Оржоникиде районидagi «Маданият» колхозининг раис Раҳмонберди Эгамбердиев, Ўр-
та Чирчиқ районидagi «Полыная звезда» колхозининг раис Ким Пен-хя, шу райондаги Охунбобоев номи колхозининг раис Мирза-
азиз Раҳимовов, (учинчи қаторда, чапдан) Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинизм» колхозининг раис Тўйчи Тожибоев, шу рай-
ондаги «III интернационал» колхозининг раис Ибб Нисонбоев, Қуйи Чирчиқ районидagi «УзССР беш йиллиги» совхозининг дирек-
тори Исмонд Иброҳимов, Ўрта Чирчиқ районидagi «XX партсъезд» колхозининг раис Хусан Холбеков ўртоқлар.

Ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВГА Ленин ордени топширилди

9 март кунин Кремлда СССР
Олий Совети Президиумининг Раис
Л. И. Брежнев ўртоқ К. Е.
Ворошиловга Ленин ордени
топширди. К. Е. Ворошилов
кунинга саксон йил тўлганлиги
муносабати билан ҳамда Комму-
нистик партия ва Совет давлати
олдидаги катта хизматлари учун
Ленин ордени билан мукофотлан-
ган эди.

Л. И. Брежнев К. Е. Вороши-
ловни Ленин ордени билан муко-
фотланганлиги билан самимий ва
кизгич қутлади ҳамда унга бардам
сизат-саломатлик тилади.

К. Е. Ворошилов юксак муко-
фот учун Коммунистик партия
Марказий Комитетига, СССР Олий
Совети Президиумига ва Совет ҳу-
куматида кун қўйилган ташаккур
бўлди.

ЁШ БИНОКОРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадри ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Мар-
казий Комитети сизларни ва сиз орқали барча совет
бинокорларини, дойиҳачиларини, бинокорлик мате-
риаллари саноати ходимларини, қурилиш ва йўл ма-
шинасозлиги ходимларини — мамлакатимиз ишчи-
лари синфи ва меҳнаткаш зиялиларининг шонли от-
рядини қизғин таъриқлайди.

Партия раҳбарлигида совет халқи коммунистик
қурилишининг КПСС XXI съезди белгиланган улғу-
вор программасини муваффақият билан амалга
оширмоқда. Етти йилликнинг дастлабки натижаси
мобайнида экономика, фан ва маданиятнинг ривож-
лантиришида, халқ фаровонлигини янада оширишда
янги катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Совет бинокорлари коммунистнинг моддий-тех-
ника базасини вужудга келтириш учун курашда
олдинги марраларда туришлари билан ҳақиқат
рашида фахрлана оладилар. Улар янги шаҳарлар-
нинг йирик электростанция ва заводлар, конлар ва
шаҳарлар барпо этмоқдалар, темир йўллар ва су-
риш системалари қўймоқдалар, ишлаб турган кор-
хоналарнинг қувватларини оширмоқдалар, беноев
Ватанимизнинг узок районларидаги битмас-туган-
мас бойликларни халқ хизматида қаратмоқдалар.
Бинокорлар қишлоқ яшамасини жойларга биринчи
бўлиб келмоқдалар ва бу ерларда ҳаёт барпо эт-
моқдалар, келажакка замин тайёрламоқдалар. Халқ
бинокорларнинг қаҳрамонона меҳнатини улуғла-
моқда. Келажак авлодлар етти йиллик қаҳрамонла-
рининг аjoyиб ишлари билан фахрланиладилар!

Ленин комсомолли, совет ёшлари капитал қурилиш
улғувор режаларини амалга оширишда актив иш-
тирок этмоқдалар. Ёшлар қурилишда — катта куч.
Партиянинг қаҳирини билан неча юз минглаб
йигит ва қизлар Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозғоистон,
Донбасс ва мамлакатнинг бошқа районларидаги қу-
рилишларга келдилар. Улар Комсомол — Амур-
ДнепротЭС, Урал ва Кузбассдаги металлургия ги-
гантлари қурувчиларининг шонли традицияларини
давом эттирмоқдалар ва ривожлантирмоқдалар.

Коммунистик партия, совет халқи ёшларнинг қу-
рилишдаги меҳнатини юксак даражада қадрламоқ-
далар. Қудратли қурилиш техникаси ва илғор
тажрибалардан моҳирлик билан фойдаланилаётган-
лиги тўғрисида, ёшларнинг гайрат ва шижоати ту-
файли саноат ва транспортнинг кўпгина жуда му-
ҳим объектлари жаҳон практикасида мисли қўри-
лмаган муддатларда барпо этилди. Йигит ва қизлар
комсомол зарбдор қурилишларида аjoyиб тарбия
мактабини ўтмоқдалар, ишлаб чиқариш таъинот-

чиларининг малакаларини ялғалламоқдалар, комму-
нистларча ишлаш ва яшашга ўрганилмоқдалар.

Ҳозирги кунда Ватанимиз коммунистнинг жуда
катта янги қурилишлари майдонидир. Етти йиллик
мобайнида электростанциялар қувватини юзги ба-
равар кўпайтириш, етти мингдан кўпроқ йирик
саноат корхоналарини ишга тушириш, 20 минг ки-
лометрдан кўпроқ темир йўллар қуриш керак.
Мамлакатимиз шаҳарлари ва посёлкаларини янада
ривожлантириш соҳасида катта завофалар туриб-
ди. 15 миллионга яқин квартира, неча ўн минглаб
мактаб, болалар боғчаси, ясли ва бошқа мада-
ний-маиший объектлар қуриш зарур. Қишлоқлар-
да, хусусан кўрик ерлар ўзлаштирилаётган район-
ларда қурилиш ишларининг ҳажми анча кўп ке-
нгайтирилди. Қурилиш индустрияси ва бинокор-
лик материаллари саноати янада кучли суратда
юксалтирилди.

КПСС Марказий Комитети шунга қатъий ишонч
билдирадики, ёш бинокорлар 1961 йил планини
муваффақият билан бажариш учун бутун кучларини
сарфлайдилар, етти йиллик топшириқларини му-
датидан илгари амалга ошириш учун қурашувчи-
ларнинг биринчи сафларида борадилар. Совет
Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатлиги
XXII съезди шарофати бошланган коммунистик му-
соабани жангсаварлик билан авж олдирадилар.
Ёшлар ҳар бир қурилишда замонавий техникани
ағдалламоқдалар, ишлаб чиқаришнинг илғор техноло-
гиясини ўзлаштиришлари ва таъминлаштиришлари-
ни, юксак меҳнат унвондорлигига эришишлари, қу-
рилишда ҳамма йнги, прогрессив ишларда ташаб-
бускор бўлишлари, илғор тажриба манжаларига
тегишли ишлари, етти йиллик қаҳрамонлари сафига
бўлишлари лозим.

Қурилишда битмас-туганмас резервлар бор. Ўр-
тоқлар, сарфатро бўлиш, маблағларини ва ма-
териалларини тежасиз, беҳуда харajatларга йўл
қўймагиз, ноқудратчиликни қамайтириш учун ку-
рашингиз. Капитал маблағлардан нақдлар тўғри
ва тежамли фойдаланилса, янги ишлаб чиқариш
қувватлари шу қадар тез ишга туширилади, совет
қишлоқларининг турмуши янада бадаллат бўлади.
Тез ва тежамли, пишқ ва чиройлик кўроқ керак.

Биз тинчлик учун, совет қишлоқларининг фаро-
вонлиги ва бахт-саодати учун курашмоқдамиз. Партия
ишондики, Ленин комсомолли, шонли ёшларимиз
мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этиш-
дан иборат улғу ва аjoyиб ишга ўзларининг бутун
куч-гайратларини сарфлайдилар.

Совет бинокорлари шон-шарафлар!
Яшасин коммунизм қураётган қаҳрамон совет
халқи!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ, МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

1961 йил 5 мартда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Советига бўлиб ўтган сайлов- нинг яқунлари тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област
Советига сайлов ўтказган област сайлов
комиссиясининг

АХБОРОТИ

1961 йил 5 март, яшанба кунин меҳнаткашлар депутатлари
Тошкент област Советига депутатлар сайлашда Сайлов ҳамма жойда
маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан бошланди ва нечаси соат 12
да тамом бўлди. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Со-
ветига депутатлар сайлаш сайловчиларнинг актив иштироки ва уш-
лоқли билан сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтди.

Област сайлов комиссияси ҳамма 282 округ сайлов комис-
сияларидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Советига ўта-
зилган сайлов яқунлари ҳақида тўла маълумот олди.
Барча сайлов округларидаги сайловчилар умумий сонини та-
хил қилган 762459 кишидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент
област Советига депутатлар сайлашда 762332 киши ёки сайловчилар
умумий сонига нисбатан 99,99 проценти иштирок этди. 759171 сай-
ловчи ёки овоз беринга иштирок этган сайловчилар умумий сонининг
99,97 проценти коммунистлар билан партиясининг ёки кандидат-
ларини ёқлаб овоз берди, 3159 киши ёки овоз беринда иштирок эт-
ган сайловчилар умумий сонининг 0,43 проценти депутатликка қў-
сатилган кандидатларга қарши овоз берди «Ўзбекистон ССР
меҳнаткашлар депутатлари област, район шаҳар, посёлка, қишлоқ
ва овул Советларига сайлов тўғрисида «Низом»нинг 100-моддасига
биноан 2 бюллетень бекор қилинди.

Тошкент област сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округидан
тушган материалларни қўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар
депутатлари област, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Совет-
ларига сайлов тўғрисида «Низом»нинг 29-моддасига биноан ҳамма
сайлов округлари бўйича меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област
Советига сайланган депутатларини рўйхатга олди.

Ҳамма сайланган депутатлар коммунистлар билан партиясининг
бюкенинг кандидатларидир.

Ёш бинокорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши

9 мартда Катта Кремль саройи-
да ёш бинокорларнинг Бутунитти-
фоқ кенгаши очилди. Бу кенгаш
КПСС Марказий Комитети ва

СССР Министрлар Совети Қу-
рилиш ишлари давлат комитети-
нинг раиси Н. А. Гришманов до-
дад қилди.

Кенгаш ҳақида батафсил маъ-
лумот газетамизнинг навбатдаги
сонидa эълон қилинади.

